



КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МОҲИЯТИ, АҲАМИЯТИ ҲАМДА ЖАРАЁН КЕТМА-КЕТЛИГИ

Алимов Баходир Батирович

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг “Лойиҳа бошқарув” кафедраси
профессори в.б., PhD, доцент

Мурадова Нигина Шукуровна

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг Глобал менежмент мутахассислиги
тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15645066>

Аннотация

Ушбу илмий мақолада кичик саноат зоналарига хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан берилган таърифлар келтирилган. Шу билан бирга кичик саноат зоналарининг аҳамияти, кичик саноат зоналарининг ҳудудий (географик) турлари, кичик саноат зоналарининг иқтисослашган турлари, кичик саноат зоналарининг ташкил этиш шакллари, кичик саноат зоналарининг фаолият шакли ёритиб берилган.

Калит сўз: зона, кичик саноат зонаси, кичик иқтисодий зона, махсус зона, иқтисодий ўсиш, иқтисодий диверсификация, иш ўринлари.

Республикамизда саноатни самарали ривожлантириш йўналишларидан бири кичик саноат зоналари (КСЗ) ҳисобланади. КСЗ давлат мулки объектларининг фойдаланилмаётган майдонлари, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор ва паст рентабелли корхоналарнинг ишлатилмаётган ҳудудлари негизида яратилмоқда. КСЗлар давлат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни реал қўллаб-қувватлаш ва уларни ривожлантиришни янги юқори босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Индустириал паркларни ривожлантириш тарихи 1896 йилда биринчи бўлиб Англиянинг Манчестер шаҳрида Трафферд парки ташкил этилишидан бошланган ва у режалаштирилган муҳандис транспорт коммуникация саноат зонаси ҳисобланган. 1992-93 йиллар АҚШда Эко-индустириал парки концепсияси пайдо бўлди. Бу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи компанияларнинг бирлашуви бўлиб, улар ҳамкорликда бир вақтда ишлаб чиқариш ва экологик самарадорликка эришишни мақсад қилиб қўйган.

World Bank (Жаҳон банки) таърифи “Кичик иқтисодий зоналар – бу чекланган географик ҳудудда жойлашган, махсус иқтисодий фаолият учун қулай шароитлар ва солиқ енгилликлари тақдим этилган ҳудудлардир. Улар одатда экспортни ривожлантириш, инвестицияларни жалб қилиш ва



янги иш ўринлари яратиш мақсадида яратилади.”¹

UNCTAD (БМТ Савдо ва тараққиёт конференцияси) таърифида “Кичик иқтисодий зоналар - маълум соҳаларда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш учун яратилган, чекланган географик ҳудудлардаги махсус иқтисодий тартиботларга эга бўлган майдонлардир.”²

Томас Фароле (SEZ бўйича етакчи мутахассис) таърифи “Кичик иқтисодий зоналар бу ҳукумат томонидан махсус тарзда яратилган ҳудудлар бўлиб, улар муайян иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш учун махсус қоидалар ва имтиёزلарни таклиф этади.”³

Паул Brenton ва Гезде Исик таърифи “Кичик иқтисодий зоналар инвестиция муҳитини яхшилаш ва янги иқтисодий фаолият турларини рағбатлантириш учун яратилган аниқ чегараланган ҳудудлардир, улар одатда махсус қонунчилик ва сиёсий режим остида фаолият юритади.”⁴

Т. Юсуповнинг таърифи (иқтисодиёт фанлари доктори): “Кичик иқтисодий зоналар – бу республика ичида махсус иқтисодий, молиявий ва маъмурий шарт-шароитлар яратилган ҳудудлар бўлиб, улар инновацион технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва экспорт салоҳиятини оширишни мақсад қилади.”⁵

М. Холбоев ва М. Нарзуллаевларнинг таърифи: “Кичик иқтисодий зоналар – бу алоҳида иқтисодий ва ҳуқуқий мақомга эга бўлган, инвесторлар учун қулай шароитлар яратилган, иқтисодий фаолиятни ривожлантиришга мўлжалланган махсус ҳудудлардир.”⁶

Х.К. Хамдамов ўз асарида қуйидагича таъриф беради: “Кичик иқтисодий зоналар - мамлакат ҳудудида ташкил этилган, ўзига хос иқтисодий ва ҳуқуқий шароитларга эга бўлган, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятини ривожлантириш учун мўлжалланган махсус ҳудудлардир.”⁷

А.Н. Исломов ўз тадқиқотида шундай ёзади: “Кичик иқтисодий зоналар - бу махсус иқтисодий режим асосида ташқи ва ички инвестицияларни жалб қилиш, экспорт имкониятларини кенгайтириш ҳамда ҳудудий ривожланишни тезлаштириш учун яратилган аниқ



чегараланган ҳудудлардир.”⁸

Д.Х. Тўхтабоев фикрига кўра: “Кичик иқтисодий зоналар - иқтисодий-ижтимоий ривожланишга кўмаклашиш, инновацион фаолиятни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун қулай шароитлар яратадиган ҳудудий тузилмалар ҳисобланади.”⁹

Кичик саноат зонаси - бу муайян ҳудудда жойлашган, инфратузилма билан таъминланган, кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун мўлжалланган саноат фаолиятини амалга оширишга мўлжалланган махсус ҳудуддир. Унда ишлаб чиқариш объектлари, омборхоналар, маъмурий бинолар, транспорт ва муҳандислик коммуникациялари мавжуд бўлади.

Кичик иқтисодий зона - бу мамлакат ичида солиқ имтиёзлари, соддалаштирилган қоидалар, инфратузилмани қўллаб-қувватлаш ва бизнес жараёнларини осонлаштириш каби имтиёзлар орқали иқтисодий фаолият рағбатлантириладиган, лекин йирик миллий зоналарга нисбатан кичикроқ, маҳаллийлаштирилган миқёсда махсус ажратилган ҳудуд.

КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ



Тадбиркорликни ривожлантириш

Иш ўринлари яратиш

Иқтисодий ўсиш

Иқтисодий диверсификация

Инфратузилмани яхшилаш

1-расм. Кичик саноат зоналарининг аҳамияти¹⁰

Оддийроқ қилиб айтганда, бу маҳаллий ривожланишни рағбатлантириш, инвестицияларни жалб қилиш, иш ўринлари яратиш ва муайян ҳудудларда (масалан, кичик шаҳарлар ёки чегара ҳудудларида) саноатни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган махсус иқтисодий зонанинг (МИЗ) мини версиясига ўхшайди.

Бугунги иқтисодий глобаллашув шароитида ҳудудий иқтисодиётни ривожланишига таъсир этувчи муҳим омиллардан бири - кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳудудий иқтисодиёт тармоқларига



инвестицияларни жалб этиш орқали ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш ва уларни модернизация қилиш ҳамда бу орқали янги иш ўринларини яратиш ҳисобланади. Бу борада, узоқ йиллардан буён иқтисодий ривожланиши жиҳатдан бошқа ҳудудларга нисбатан рентабеллиги паст бўлган ҳудудларни инновацион ривожлантиришда тобора кўпроқ фойдланиб келинаётган усуллардан бири - саноат зоналарини барпо этиш ҳисобланади. Ушбу йўналишда олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижаси шуни кўрсаткмоқдаки, кўплаб ривожланган ва ривожланаётган давлатларнинг ҳудудий-иқтисодий ривожланишидаги асосий механизмлардан ҳисобланган кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш йўналишида турли хил кўринишдаги заноат зоналари, технопарк ва технополисларни ташкил этишдир. “Ҳозирги кунда АҚШ ва Хитойда 400 тадан, Германияда 200 та, Туркияда 262 та, Вьетнамда 200 га яқин индустриал парклар фаолият юритмоқда”¹¹.

Жаҳон мамлакатларида кам ривожланган ва иқтисодий жиҳатдан тараққий этмаган ҳудудларда индустриал парклар, технополислар ва саноат зоналарини ташкил этиш орқали ривожлантириш, бу орқали иқтисодий салоҳият ва ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, йирик ва кичик ишлаб чиқариш корхоналари ўртасидаги саноат кооперациясини чуқурлаштириш, кичик саноат зоналари жойлашган ҳудудлардаги инвестицион жозибадорликни ошириш, шу асосда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш масалаларининг илмий тадқиқотига алоҳида эътибор қаратилмоқда¹².

Юқоридаги фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, кичик саноат зоналарининг мазмун-моҳияти ва илмий асосларини ташкил этувчи илмий тадқиқотлар билан танишиб ўтиш ўринлидир. Кичик саноат зоналарини барпо этиш тажрибаси эволюцияси шуни кўрсатадики, мазкур тушунча ҳар бир давлат ва ҳудудда турли номлар билан атаб келинган. Уларнинг умумий мазмуни эса “саноат зоналари”, “индустриал парклар”, “технополислар” каби тушунчалар орқали ифодаланилади. Мазкур йўналишда илмий тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи олимлардан В.Миллберг ва М.Аменгуал томонидан олиб борилган тадқиқотларда, индустриал парклар фаолияти иқтисодий жиҳатдан “қолоқ” ҳудудлар учун яхши “мотивация” вазифасини ўтайди. Уларнинг фикрича, индустриал парклар - иқтисодий ривожланиш учун ажратилган кичик ишлаб чиқариш



майдонлари бўлиб, уларнинг қулайлиги махсус иқтисодий ёки эркин иқтисодий зоналар сингари йирик ишлаб чиқариш инфратузилмасини талаб этмасдан ташкил этилади¹³. Шунингдек, мазкур олимлар, индустриал парклар фаолиятига хорижий инвестицияларни жалб этишда маҳаллий давлат органларининг фаол аралашувини алоҳида таъкидлаб, бу жараён “минималлаштирилиши керак”лигини алоҳида қайд этиб ўтишади. Мазкур олимларнинг тадқиқотлари кичик саноат зоналарини ташкил этишда муҳим ўрин тутиши билан биргаликда, уларнинг тадқиқотларида кичик саноат зоналари учун зарурий инфратузилмани хорижий инвесторларнинг ўзлари томонидан шакллантирилишига алоҳида урғу берилган.

Аммо, бу борада ривожланган давлатлар тажрибасидан маълумки, саноат зоналари учун зарурий инфратузилма давлат томонидан хозирланмаган ҳолларда саноат зоналарининг инвестицион жозибадорлиги юқори бўлмайди. Бу ўз навбатида мазкур тадқиқотчиларнинг саноат зоналарининг инвестицион жозибадорлигини етарли даражада ҳисобга олмаганликларини кўрсатади.

Тадқиқотчи олим А.Агарвалнинг 2007 йилда эълон қилинган ““Impact of SEZ on Employment, Poverty and Human Development” номли тадқиқот натижаларида саноат зоналарининг, хусусан кичик бизнес вакиллари учун мўлжалланган саноат зоналарининг ҳудудий банкдликни таъминлашда ва инсон ресурсларини ривожлантиришдаги ўрнига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, мазкур тадқиқот ишида махсус саноат зоналарининг “кичиклаштирилган” вариантлари нисбатан паст ривожланган йирик ҳудудларнинг аҳоли зич истиқомат қиладиган жойлари учун самарали ҳисобланиб, йирик саноат ишлаб чиқаришдан ҳоли бўлган ҳудудлари ҳисобланади. Мазкур ҳудудларда малакали бўлмаган арзон ишчи кучини ўқитиш мазкази (ушбу саноат зоналарининг ўзида ташкил этилиши мумкин бўлган) орқали уларнинг малакаси ишчи кучи сифатида қайта тайёрланиб, иқтисодий фаол қатлам шакллантирилади. Шунингдек, ушбу саноат зоналарининг инвестиция имкониятларини оширишда фақатгина хорижий инвесторлар эмас, балки маҳаллий инвесторларнинг имкониятларидан фаол фойдланиш мумкин. Бунда уларда солиқ маъмурий ва бошқа кенг кўламли, ҳатто хорижий инвесторлар учун махсус “виза режимлари” жорий этилиб, инвестицион имкониятларни ошириш



керак¹⁴.

Мазкур тадқиқотчи олимнинг фикрий мулоҳазасига ҳамфикр бўлган республикамиздаги иқтисодчи олимлардан Ж.Каримқулов томонидан “Эркин иқтисодий зоналарнинг муайян бир тури сифатида кичик саноат зоналари бўш турган ёки фойдаланилмаётган бино ва иншоотлар негизда барпо этилаётган кичик саноат зоналар давлат ва хусусий сектор ўртасидаги шерикликнинг нодир намунаси сифатида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, янги иш ўринлари барпо этиш, экспорт салоҳиятини оширишда қўл келиши” таъкидланади. Ж.Каримқуловнинг асосий тадқиқотлари “Эркин иқтисодий ҳудудларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни ривожлантириш йўналишлари”га бағишланган бўлиб, кичик саноат зоналари фаолияти умумий ёндашилган, уларнинг инвестицион имкониятлари етарлича ёритилмаганлиги боис, кичик саноат зоналарининг инвестицион фаолиятини оширишда илмий изланишлар олиб бориш муҳим эканлигини кўрсатади.

Ушбу тадқиқотда Ўзбекистон иқтисодиётида кичик саноат зоналарининг тутган ўрни ва аҳамияти атрофлича очиб берилишига қарамасдан, кичик саноат зоналарининг ҳудудий иқтисодий ўсишга таъсири турли эконометрик моделлар орқали асосланиши эътибордан четда қолган жиҳатлардан биридир. Бундан ташқари, иқтисодчи олимлардан М.Раимжанованинг тадқиқотларида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолати, уларга киритилаётган инвестициялар, ажратилаётган кредитлар таҳлили ёритилган ҳамда кичик бизнесни ривожлантириш юзасидан хориж тажрибаси ўрганилиб тегишли хулоса ва таклифлар келтирилган. Бу борада кичик саноат зоналари фаолиятини ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ташкил этиш кўриб чиқилган¹⁵.

Хусусан, тадқиқотчи олим ўз фикрини ривожланган давлатлардан бири - АҚШда ташкил этилган кичик бизнес вакиллари учун мўлжалланган “тадбиркорлик ҳудудлари” мисолида кўриб ўтган. АҚШда тадбиркорлик ҳудудлари (ТХ) молиявий имтиёзлар бериш орқали кичик ва ўрта бизнесни жонлантиришга қаратилган минтақавий сиёсатнинг неоконсерватив вариантнинг маҳсули сифатида вужудга келган. Бу ерда эркин иқтисодий ҳудуднинг бошланғич тушунчаси йўқотилади, чунки



божхона имтиёзлари иккинчи даражали ёки умуман йўқ бўлиб қолади, асосий ролни эса, турли солиқ, молиявий ва маъмурий рағбатлантиришлар ўйнайди.

Ҳозирги пайтда АҚШнинг жами 700 та шаҳри ва шаҳарга қарашли ҳудудларида 1400 дан ортиқ ТҲ фаолият кўрсатмоқда. Бу ҳудудларнинг тез тарқалиши уларда фаолият юритувчи америка компанияларига бериладиган молиявий- иқтисодий ва бошқа имтиёзлар билан боғлиқ. Барча турдаги ТҲда давлат дастурининг асосий мақсади ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ишсизликни камайтиришдир. Федерал миқёсдаги ТҲга кўрсатиладиган иқтисодий рағбатлантириш ва имтиёзлар қўйидагича: қурилиш ва таъмирлаш ишларида тўланадиган солиқдан 5% чегирма, корхона томонидан ҳар бир қўшимча яратилган иш жойи учун солиқ чегирмаси (бир киши учун 2 минг долларгача), компаниялар капиталини кўпайтириш солиғининг бекор қилиниши. Турли штатлар миқёсида бу ҳудудларда фаолият юритувчи компанияларга ҳар хил имтиёзлар қўлланилади. Масалан, Коннектикут штатида корхона даромад солиғига нисбатан 50% чегирма, Луизиана штатида асбобускуна сотувидан тушган даромад солиғидан, Канзас штатида қурилиш молларини сотувидан тушган даромад солиғидан ҳамда Вирджиния штатида асосий капитал солиғидан 100 % озод этилади. Барча солиқ имтиёзларининг 70% дан ортиғини ТҲларида янги иш жойларини ташкил этувчи тадбиркорларга берилади¹⁶.

Мазкур тадқиқотларда кичик саноат зона эволюциясига таллуқли бўлган жиҳатлар, уларга бериладиган солиқ, маъмурий ва бошқа имтиёзлар умумий тарзда кўриб ўтилган бўлсада, ушбу омилар саноат зоналари инвестиция фаолиятига таъсири кенгроқ тадқиқ этилмаганлигини кўрамиз. Сабаби мазкур имтиёзларнинг кичик саноат зоналари учун ва уларнинг инвестиция фаолиятига таъсирини аниқ таҳлил этилмаса, мазкур имтиёзлар ўз навбатида маҳаллий ва давлат бюджети учун “қимматга тушиши” мумкин.

Шунингдек, ушбу олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда кичик саноат зонасини тавсифловчи бошқа ёндош тушунчалардан фойдланилганлигини кўрамиз, яъни улар “саноат зонаси”, “индустриал зона”, “индустриал парк”, “саноат комплекси ва кластер” таърифлари кўриб ўтилган. Мазмунан ва кўплаб хорижий давлатларда ушбу ҳудудларга кичик ва ўрта тадбиркорлик вакиллари учун ишлаб



чиқаришни тизимли ташкил этиш ва инновацион ва инвестиция лойиҳаларини реализация қилишга қаратилган фаолият юритилиши режалаштирилганлиги боис “ноформал” кичик саноат зоналари ҳисобланади. Хорижий мамлакатлар тажрибасидан маълумки, ушбу ҳудудлар мамлакат иқтисодий ривожланишига мос равишда ишлаб чиқаришни ҳудудларда ривожлантириш мақсадида тузилган. Уларда мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик саноат зоналарининг айрим элементлари мавжулигини ҳисобга олсак, ушбу тушунчалар тавсифини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан ташқари, мамлакатимизда кичик саноат зоналарининг ҳуқуқий асослари ҳам шакллантирилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 июндаги “Кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқаришни яна-да такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4363-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 134-сонли қарорлари муҳим аҳамиятга эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-сон билан тасдиқланган “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги Низом”га кўра, “кичик саноат зонаси - ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун мўлжалланган, аҳоли пункти ҳудудининг ёки аҳоли пунктлариаро ҳудуднинг қонун ҳужжатлари билан муайян мақом берилган ҳамда ҳудуди доирасида хизмат кўрсатувчи инфратузилмага эга бўлган ишлаб чиқариш майдонлари жойлашадиган ва чегаралари аниқ белгиланган қисми”¹⁷ ҳисобланади. Юқоридагилар асосида айтиш мумкинки, кичик саноат зоналари - ҳудудий-иқтисодий ва инновацион ривожлантириш, хорижий ва маҳаллий инвесторларни жалб этиш мақсадида кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган, аниқ чегаралари белгиланган ва солиқ, божхона ва бошқа имтиёзли режим амал қилувчи ҳудуддир.1.2-расм.



КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



Маъмурий-худудий қонун ва талабларига мувофиқ чегаралари аниқ шакллантирилган бўлади;

Йирик махсус ва эркин иқтисодий зоналардан фарқли равишда, кичик ва ўрта тадбиркорлик фаолиятини муайян аҳоли пунктида ривожлантириш мақсадида тузилади;

Бирламчи қадамларда маҳаллий инвесторларнинг молиявий ресурсларини ишлаб чиқиш фаолиятини бўш турган майдон ва бинолар негизда ташкил этиш – асосий мақсад сифатида қаралади;

Солиқ, божхона ва бошқа маъмурий имтиёзли режим амал қилган ҳолда, инвесторлар ва кичик саноат зонаси иштирокчиларига қўшимча имтиёзли режим яратилади;

Нисбатан “кичик” ҳудудлардаги ишсизликнинг олдини олиш, ишлаб чиқариш қувватларидан бўшаган бино ва ишлаб чиқариш майдонларидан самарали фойдаланиш ҳамда муайян соҳани инновацион ривожлантиришга қаратилган мақсадларни ўзида қамраб олади.

2-расм. Кичик саноат зоналарининг асосий хусусиятлари¹⁸

Асосий хусусиятлар кўпинча қуйидагиларни ўз ичига олади: у ерда фаолият юритувчи корхоналар учун солиқлар камайтирилади ёки йўқ; импорт ва экспорт учун тезроқ божхона тартиблари; махсус инфратузилма (масалан, саноат парклари ёки логистика марказлари); кўпроқ мослашувчан меҳнат ёки бизнес қонунлари. Мисол: кичик шаҳар арзон офис майдони, бепул интернет ва дастлабки беш йил давомида маҳаллий солиқларсиз таклиф қилиб, технологик стартапларни жалб қилиш учун иқтисодий зона яратиши мумкин.

Кичик саноат зоналарига оид билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида айтиш мумкинки, мамлакат ҳудудларининг иқтисодий ривожланишини таъминлаш, бу борада инвестиция фаолиятини яна-да фаоллаштириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли лойиҳалардан бири -кичик саноат зоналари ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам бўш турган ва фойдланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ўрнида ташкил этилган ва бугунги кунда инвестиция лойиҳалари иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Бундан ташқари, ушбу ҳудудлар “кичиклаштирилган саноат зоналари” ҳисоблангани сабабли, бозор иқтисодиёти шартларига тезда



трансформацияланиши билан аҳамиятлидир.

Кичик саноат зона фақат муҳандислик-техник коммуникациялари мавжуд бўлган ёки ўтказиш осон бўлган фаолият кўрсатмаётган ишлаб чиқариш майдонлари ва қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган бўш турган ер участкалари негизида ташкил этилади.

Янги кичик саноат зона ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган кичик саноат зона ҳудудининг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан келишилган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан қабул қилинади.

Кичик саноат зона ҳудудининг чегараларини тасдиқлаш, шунингдек, уларнинг кейинчалик ўзгартирилиши Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади. Маъмурий кенгаш кичик саноат зона ҳудудининг чегараларини тегишли туман (шаҳар) ҳокимлиги билан келишган ҳолда ўзгартириш тўғрисида таклифлар киритиш ҳуқуқига эга. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг кичик саноат зонани ташкил этиш ёки ҳудудининг чегараларини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлари кичик саноат зонанинг кадастр ва ер тузиш ҳужжатларини тайёрлаш, кичик саноат зонанинг бош режасини ишлаб чиқиш, тadbиркорлик субъектларига саноат ишлаб чиқаришини ҳамда унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани ташкил қилиш учун кичик саноат зона ҳудудида ер участкасини тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг қарори қабул қилинмасдан бериш учун асос бўлади.

1-жадвал

Кичик саноат зоналарининг ҳудудий (географик) турлари¹⁹

Тури/Шакли	Тавсифи	Мисоллар ва хусусиятлар
Маҳаллий (шаҳар ёки миқёсида) туман	Маҳаллий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига хизмат қилади	Туман марказларидаги кичик ишлаб чиқариш ҳудудлари
Минтақавий (вилоят ёки	Кенг ҳудудни қамраб олувчи, кўп	Вилоятлардаги КСЗлар – логистика ва



республика миқёсида)	соҳага қилувчи зоналар	хизмат экспортга	йўналтирилган
-------------------------	---------------------------	---------------------	---------------

2-жадвал

Кичик саноат зоналарининг иқтисослашган турлари²⁰

Тури/Шакли	Тавсифи	Мисоллар ва хусусиятлар
Саноатга ихтисослашган	Фақат саноат ишлаб чиқаришга йўналтирилган	Металлга ишлов бериш, кимё, машинасозлик
Агросаноат	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи	Консерва, гўшт-сут, пахтани қайта ишлаш
Инновацион	Илмий-техник ишланмалар асосидаги ишлаб чиқариш	Стартаплар, ИТ технологиялар, муҳандислик хизматлари
Аралаш	Турли соҳалар вакиллари бирлашган зоналар	Технопарклар, сервис- саноат мажмуалари

3-жадвал

Кичик саноат зоналарининг ташкил этиш шакллари²¹

Тури/Шакли	Тавсифи	Мисоллар ва хусусиятлар
Давлат томонидан ташкил этилган	Ҳукумат томонидан молиялаштирилган, ер ажратилган	Махсус қарор асосида ташкил этилади
Хусусий (ёки хусусий-давлат шерикчилиги асосида)	Тадбиркорлар томонидан ташкил этилган ёки шериклик асосида	Инвестиция жалб қилинади, ўз инфратузилмаси мавжуд

4-жадвал



Кичик саноат зоналарининг фаолият шакли²²

Тури/Шакли	Тавсифи	Мисоллар ва хусусиятлар
Экспортга йўналтирилган	Маҳсулотлар асосан хорижга экспорт қилинади	Солиқ имтиёзлари, экспортни қўллаб-қувватловчи механизмлар мавжуд
Ички бозорга хизмат қилувчи	Маҳаллий истеъмолчилар учун маҳсулот ишлаб чиқарилади	Маҳаллий талабга асосланган корхоналар
Хизмат кўрсатиш йўналишидаги	Хизматлар сектори вакиллари бирлаштиради	Автохизматлар, тамирлаш, IT хизматлари

Битта туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган бир нечта ишлаб чиқариш майдонларини битта кичик саноат зонада бирлаштиришга рухсат этилади.

Қуйида кичик саноат зоналарининг (КСЗ) турлари ва шакллари жадвал кўринишида келтирилган. Бу зоналар ҳудудий жойлашуви, ихтисослашуви, ташкил этилиш шакли ва фаолият йўналишларига қараб фарқланади. (1-4-жадваллар.)

Янги кичик саноат зона ташкил этиш ва фаолият кўрсатаётган кичик саноат зона ҳудудининг чегараларини ўзгартириш масаласини келишиш учун Маъмурий кенгаш Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига қуйидаги ҳужжатлар тўпламини киритади:

- янги кичик саноат зона ташкил этиш ёки фаолият кўрсатаётган кичик саноат зона ҳудудларининг чегараларини ўзгартириш заруратини асослайдиган таҳлилий маълумот, шунингдек, асосли ҳисоб-китоблар билан бирга кичик саноат зонанинг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида маълумот;

- ер участкасининг чегаралари ва майдонлари (туман (шаҳар) ҳокимлиги тасарруфидаги захира ер) тўғрисидаги маълумот, шунингдек, негизида янги кичик саноат зона ташкил этиш ёки ер участкаларини фаолият кўрсатаётган кичик саноат зона таркибига киритиш режалаштириладиган, муҳандислик-техник коммуникацияси мавжуд бўлган ёки уни ўтказиш осон бўлган фаолият кўрсатмаётган ишлаб



чиқариш майдонлари ва қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган бўш турган ер участкаларининг рўйхати;

- янги кичик саноат зона ташкил этиш ёки фаолият кўрсатаётган кичик саноат зона таркибига киритиш таклиф этилаётган худуднинг муҳандислик-техник коммуникацияси ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси мавжудлиги, шунингдек, инфратузилма объектларини қуриш бўйича асосли ҳисоб-китоблар ва молиялаштириш манбалари кўрсатилган тахминий талаблар тўғрисида маълумотлар.

Хулоса. Кичик саноат зона худудида шаҳарсозлик фаолияти кичик саноат зонанинг бош режасига мувофиқ амалга оширилади. кичик саноат зонанинг бош режаси лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади ва аҳоли пунктининг бош режаси ёки қишлоқ худудини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этишнинг лойиҳаси асосида Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланади, аҳоли пунктининг бош режаси ёки қишлоқ худудини архитектура-режалаштириш жиҳатидан ташкил этиш лойиҳаси мавжуд бўлмаган тақдирда, кичик саноат зонанинг бош режаси Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармалари ҳамда Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги худудий архитектура-шаҳарсозлик кенгашлари билан келишган ҳолда Маъмурий кенгаш томонидан тасдиқланади. Дирекция кичик саноат зонанинг бош режасини ишлаб чиқиш бўйича буюртмачи ҳисобланади. Кичик саноат зона фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган дирекциялар томонидан бошқарилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. World Bank. (2008). Special Economic Zones: Performance, Lessons Learned, and Implications for Zone Development. Washington, DC.
2. UNCTAD. (2019). World Investment Report 2019: Special Economic Zones. United Nations Conference on Trade and Development.
3. Farole, T. (2011). Special Economic Zones in Africa: Comparing Performance and Learning from Global Experience. Washington, DC: World Bank.
4. Brenton, P., & Isik, G. (2012). De-Fragmenting Africa: Deepening Regional Trade Integration in Goods and Services. Washington, DC: World Bank.
5. Юсупов, Т. (2019). Иқтисодий эркинлаштириш шароитида кичик иқтисодий зоналарнинг ривожланиш хусусиятлари. Тошкент: "Iqtisodiyot" нашриёти.



6. Холбоев, М., Нарзуллаев, М. (2020). Махсус иқтисодий зоналарни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари. Тошкент: “Фан ва технология” нашриёти.
7. Хамдамов, Х.К. (2021). Иқтисодий зоналар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари. Тошкент: “Iqtisodiyot” нашриёти.
8. Исломов, А.Н. (2020). Ўзбекистон Республикасида эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш: ҳолати ва истиқболлари. Тошкент: “Фан ва технология” нашриёти.
9. Тўхтабоев, Д.Х. (2018). Иқтисодий зоналар ва инновацион тараққиёт омиллари. Тошкент: Ўзбекистон Миллий университети нашриёти.
10. Смольянинова Т.Ю. Индустриальные парки в региональной экономике: механизм создания, перспективы развития. Автореферат диссертации. – Воронеж, 2015.
12. Салимов Б.Т., Салимов Б.Б. “Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий иқтисодий асосларини такомиллаштириш”. – Т.: Иқтисодиёт, 2020. – 135 б
13. W. Millberg, M. Amengual. Economic Development and Working Conditions in Export Processing Zones: A Survey of Trends. ILO Office, Geneva, 2008. 68 p.
14. A. Agarwal. Impact of SEZ on Employment, Poverty and Human Development. Working paper. 194. CRIER, May 2007
15. Раимжанова М.А. Эркин тадбиркорлик ҳудудлари фаолиятини ривожлантириш кичик бизнес ва тадбиркорликни рақобатбардошлигини ошириш омили сифатида. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 4, август, 2017 йил.
16. Раимжанова М. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилиш: назарий асослари, ҳозирги ҳолати ва истиқболлари. Монография. – Тошкент: Extremum-press, 2013 й. Б 52.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 мартдаги 134-сон билан тасдиқланган “Кичик саноат зоналари тўғрисидаги Низом” дан. <https://lex.uz/docs/4758585>
18. Алимов, Б. Б. (2023). Инвестицион Лойиҳаларни Мониторинг Қилиш–Бизнесни Самарали Бошқаришнинг Муҳим Белгисидир. Boshqaruv Va Etika Qoidalari Onlayn Ilmiy Jurnal, 3(2), 72-76.
19. Бобакулов, Т., & Алимов, Б. (2022). ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ МОЛИЯ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ. Евразийский журнал академических исследований, 2(13), 198-205.



20. Алимов, Б. Б. (2023). РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ТАЪСИРИДА СУҒУРТА БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ. *Gospodarka i Innowacje*, 37, 150-161.
21. Алимов, Б. Б. (2023). Рақамли Трансформациянинг Суғурта Соҳасига Таъсири. *Miasto Przyszłości*, 38, 85-92.
22. Alimov, B. (2019). Uzbekistan-EUROPE AND CENTRAL ASIA-P144856-Improving Pre-primary and General Secondary Education Project-Procurement Plan.

